

**Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича E-Polisни (электрон полисни) онлайн расмийлаштириш шартлари юзасидан  
ОММАВИЙ ОФЕРТА**

Ушбу оммавий оферта (кейинги ўринларда - оферта) «EUROASIA INSURANCE» АЖ ҚК (кейинги ўринларда - суғурталовчи) билан суғурта қилдирувчи ўртасида Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича E-Polis ни (электрон полисни) онлайн расмийлаштириш (шартнома тузиш ва бекор қилиш) тартиблари ва суғурталаш шартларини белгилайди.

Мазкур оферта Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги 271-сон қарорига 5-Илова билан тасдиқланган “Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида ишлаб чиқилган.

**I. Умумий шартлар ва тушунчалар**

1.1. Ушбу офертада қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**E-Polis** - Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича электрон шаклда тузилган суғурта шартномаси бўлиб, Суғурта қилдирувчига суғурта мукофотини Суғурталовчига тўлиқ тўлаганидан сўнг бериладиган ва суғурта шартномаси тузилганлигини, ҳамда Суғурта шартномаси шартларига мувофиқ, Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш мажбурияти кучга кирганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

**Низом** - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги 271-сон қарорига 5-Илова билан тасдиқланган “Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тартиби тўғрисида”ги Низоми;

**Суғурта объекти** - Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга етказилган зарарни фойдаланувчи-суғурта қилинувчи томонидан қоплаш бўйича фуқаролик жавобгарлиги пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган суғурталанувчининг мулкий манфаатлари мажбурий суғурта қилиш объектлари ҳисобланади.

**Суғурта ҳодисаси** — хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлганда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказилганлиги учун суғурталанувчининг фуқаролик жавобгарлигининг бошланиши факти;

**Авария** — иншоотлар ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш объектларида қўлланиладиган техника қурilmаларининг бузилиши, суғурта шартномаси амал қиладиган даврда рўй берган назорат қилиб бўлмайдиган портлаш ва (ёки) хавфли моддалар ажралиб чиқиши;

**Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлганда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси** — Низомда назарда тутилган суғурта ҳолати юз берганда суғурталовчи шартномада белгиланган тўловни

(суғурта мукофоти) жабрланганга ушбу суғурта ҳолати оқибатида етказилган зарарни суғурта шартномасида белгиланган суғурта суммаси миқдорида тўлаш мажбуриятини оладиган суғурта шартномаси;

**суғурта ҳолати тўғрисидаги далолатнома** — суғурта ҳолати юз берган тақдирда суғурталовчи томонидан суғурталанувчи ёки унинг вакили иштирокида тузиладиган хужжат, у авария содир бўлган вақт, жой ва унинг сабаби тўғрисидаги ахборотлардан, бошқа шахсларга етказилган зарар миқдори, шунингдек зарарни камайтириш мақсадида суғурталанувчи томонидан қилинган харажатлар миқдори тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлади;

**Суғурта пули** – полисида кўрсатилган ва Суғурта ҳодисаси рўй берган тақдирда, Суғурталовчи томонидан тўланадиган суғурта товони пул маблағларининг миқдори.

**Суғурта мукофоти** – Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига мазкур Суғурта шартномаси билан белгиланган тартиб ва муддатларда тўлаши лозим бўлган пул маблағлари миқдори.

**Суғурта товони** – Суғурта ҳодисаси рўй берган тақдирда мазкур Суғурта шартномасига мувофиқ, Суғурта қилдирувчи/Наф олувчига суғурта пули доирасида тўланадиган пул маблағларининг миқдори.

**Суғурта ҳодисаси** – Суғурта шартномасида назарда тутилган, хужжатлар билан тасдиқланган ва суғурта даври ва ҳудудида ҳақиқатан рўй бериши оқибатида Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш мажбуриятини вужудга келтирувчи ҳодиса.

**Суғурта даври** – Суғурта полисининг амал қилиш даври. Суғурталовчининг суғурта ҳодисалари бўйича мажбуриятлари фақат Суғурта полисида кўрсатилган суғурта даврида амал қилади.

**Суғурта ҳудуди** – Суғурта шартномаси амал қиладиган ҳудуд. Мазкур Суғурта шартномаси бўйича суғурта ҳудуди – Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги Хавфли ишлаб чиқариш объекти жойлашган жой (манзили) ҳисобланади.

**Суғурта жавобгарлигининг кучга кириш санаси** – Мазкур шартнома учун ҳисобланган суғурта мукофоти компания ҳисоб рақамига тўлиқ тушган санада 24:00 дан бошланади.

## II. Е-полисни расмийлаштириш

2.1. Е-Polisни расмийлаштиришда Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий Агентлигининг, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг, шунингдек, Суғурталовчининг ахборот тизимлари (расмий веб сайти, мобил иловаси) орқали амалга оширилади.

2.2. Е-Polisни расмийлаштириш учун Хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланувчи ташкилотлар суғурталанувчилар электрон аризага қуйидаги маълумотларни киритади:

- солиқ тўловчининг идентификация рақами;
- ташкилот номи, банк реквизитлари;
- хавфли ишлаб чиқариш объектининг типи;
- электрон почта манзили (мавжуд бўлса);
- мобил телефон рақами;

2.3. Е-полис расмийлаштирилганлиги тўғрисидаги хабарномани юбориш шакли (телефон рақам ёки электрон почта манзили ёки суғурталовчи веб-сайтида (мобил иловаси орқали) очилган шахсий кабинети орқали).

Бунда тегишли маълумотлар ягона ахборот тизимида мавжуд бўлганда автоматик тарзда тўлдирилади.

2.4.. Электрон ариза тўлдирилаётган вақтда Ягона ахборот тизими қисман ёки тўлиқ ишламаганда, яъни давлат ахборот базалари қисман ишламаган ва/ёки улар билан алоқа узилган тақдирда, суғурта қилдирувчи аризадаги қолган маълумотларни қўлда киритади ёки хужжатларни илова қилиши мумкин.

2.5. Электрон ариза тўлиқ тўлдирилгандан сўнг суғурта қилдирувчи томонидан юбориш тугмаси босилади.

2.6. Суғурталовчининг маъсул ходимлари томонидан юборилган электрон аризидаги маълумотлар бир иш куни ичида тўлиқлиги ва тўғрилиги текширилиб, суғурта қилдирувчига суғурта мукофотини тўлаши мумкинлиги ёки маълумотларни қайта тўғриланиши тўғрисида хабарнома юборилади. Агар суғурта қилдирувчи томонидан ариза берилган санадан бошлаб 24 соат давомида маълумотлар қайта текширилмаса ва/ёки тўғриланмаса, унда суғурта ташкилоти Е-полисни расмийлаштириш, қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш имконияти йўқлиги тўғрисида суғурталовчининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурси ёки SMS-хабар орқали суғурта ташкилоти суғурта қилдирувчини хабардор қилади.

2.7. Суғура мукофоти суғурталовчи томонидан ишлаб чиқилган тариф ставкаларидан ва шартномада белгиланган суғурта суммаси миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Суғурта тарифи билан электрон аризани тўлдириш жараёнида танишиш мумкин.

2.8. Суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини тўлаши мумкинлиги тўғрисидаги хабарномани олгандан сўнг 72 соат мобайнида суғурта мукофотини электрон тўлов тизимлари орқали ва пул ўтказиш йўли билан тўлаши лозим.

Суғурта мукофоти Е-полисида назарда тутилган тўловдан камроқ миқдорда тўланган бўлса, суғурта ташкилоти суғурта мукофотининг тўланмаган қисми, суғурта қилдирувчи томонидан

72 соат муддатда тўланиши зарурлиги тўғрисида дарҳол хабарнома юборади.

2.9. Суғурта мукофоти тўланганлиги факти ушбу Оферта Суғурта қилдирувчи томонидан акцепт қилинганлигини англатади.

2.10. Суғурталовчининг мажбуриятлари суғурта мукофоти суғурталовчининг ҳисоб рақамига тушган кундан кейинги кундаги 00 соат 00 дақиқадан бошлаб кучга киради ва мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисида кўрсатилган суғурта даврининг охири санасидаги 24 соат 00 дақиқада тугайди. Агар Е-полисида суғурта амал қилиши бошланишининг бошқача муддати назарда тутилмаган бўлса, мажбурий суғурта электрон шартномаси кучга кирганидан кейин юз берган суғурта ҳодисаларига нисбатан татбиқ этилади.

2.11. Суғурта мукофоти тўлиқ тўлангандан кейин Е-полис расмийлаштирилганлиги тўғрисидаги хабарнома суғурта қилдирувчи томонидан танланган шаклда юборилади ва у қуйидагиларни ўз ичига олади:

- суғурта ташкилотининг номи, реквизитлари;
- суғурталанувчи - ташкилотлар суғурталанувчилар номи, реквизити;
- суғурта ташкилотининг манзили;
- суғурта таваккалчилиги;
- хавфли объект номи
- хавфли объект типини;
- суғурта суммаси;
- суғурта мукофоти миқдори;
- Е-полисининг амал қилиш муддати;
- Е-полисининг ноёб рақами;

- Ягона ахборот тизимига ҳавола.

2.12. Суғурта қилдирувчи Ягона ахборот тизимига ҳавола орқали ўтиб, Е-полисни юклаб олиши мумкин.

**2.13. Суғурта қилдирувчи ўзи томонидан электрон полисни расмийлаштириш учун суғурталовчига тақдим этилаётган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги учун жавобгар ҳисобланади.**

**III. Суғурталанувчининг қуйидагилар оқибатида пайдо бўлган фуқаролик жавобгарлиги суғурта ҳолати деб эътироф этилмайди**

3.1. ядровий портлаш, радиация, радиоактив зарарланиш, агар улар ушбу ишлаб чиқариш объектдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаса;

3.2. ҳарбий ҳаракатлар, шунингдек манёврлар ёки бошқа ҳарбий тадбирлар, қуролли тузилмалар ёки террорчиларнинг ҳаракатлари;

3.3. оммавий тартибсизликлар, бошқа фуқаролар бўйсунмаслигининг жамоавий ҳолатлари, иш ташлашлар;

3.4. енгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларининг таъсири: табиий офатлар, стихияли тусдаги табиат ходисалари;

3.5. хавфли ишлаб чиқариш объектдан фойдаланиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган ҳолатларнинг пайдо бўлиши;

3.6. қонунчиликда ва шартномада назарда тутилган бошқа ҳолатлар.

**4. Суғурта суммаси**

4.1. Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказилганлиги учун хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланувчи ташкилотларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта қилишнинг энг ка микдори хавфли ишлаб чиқариш объектининг тегишли тури учун қуйидагича белгиланади:

Хавфли ишлаб чиқариш объектининг типи	Суғурта пулининг энг кам микдори (базавий ҳисоблаш микдорларида)
Биринчи	250000 (икки юз эллик минг)
Иккинчи	50000 (эллик минг)
Учинчи	10000 (ўн минг)

**IV. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

**4.1. Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

а) суғурта шартномасини тузишда суғурта таваккалчилиги даражасини аниқлаш мақсадида ўз ҳисобидан суғурта объектининг мустақил экспертизасини амалга ошириш;

б) шартнома тузишда ва суғурта шартномаси амал қиладиган даврда суғурта таваккалчилигини баҳолаш;

в) етказилган зарар микдорини аниқлаш мақсадида қўшимча текширишлар ўтказиш;

г) ваколатли органлардан зарар етказилганлиги сабабли авариянинг техник жиҳатдан текшириш материалларини, ахборот ва ҳужжатларни, тиббий хулосаларни, йўқотилган (шикастланган) мол-мулк қиймати, амалга оширилган ишлар қиймати тўғрисида фикрга эга бўлиш имконини берадиган счётларни, шунингдек бошқа зарур материалларни сўраш ва олиш;

д) суғурталанувчи томонидан тақдим этилган ахборотларни текшириш, суғурта шартномаси талаблари ва шартларининг суғурталанувчи томонидан бажарилишини назорат қилиш;

е) суғурталанувчидан саноат хавфсизлиги талабларига риоя этилишини талаб қилиш.

#### **4.2. Суғурталовчи қуйидагиларга мажбур:**

а) суғурталанувчи томонидан суғурта ҳодисаси бошланиши таваккалчилигини камайтириш тадбирлари амалга оширилган тақдирда, суғурта ҳодисаси бошланиши таваккалчилигини камайтириш даражасини ҳисобга олган ҳолда суғурталанувчининг аризаси бўйича суғурта шартномаси шартларини қайта кўриб чиқиш;

б) зарарларни камайтириш мақсадида суғурталанувчининг суғурталовчи томонидан қопланиши керак бўлган харажатларини тўлаш, агар бундай харажатлар суғурталовчининг кўрсатмаларини бажариш учун зарур бўлган бўлса ёки амалга оширилган бўлса. Кўрсатиб ўтилган харажатларни тўлаш суғурталовчи томонидан у тегишли харажатлар тўғрисидаги далолатномани олган санадан бошлаб бир ой мобайнида, бироқ суғурта тўлови (суғурта суммаси) тўлангандан кейин амалга оширилади. Бундай харажатлар, ҳатто агар тегишли чоралар муваффақиятсиз бўлганда ҳам ва суғурта шартномаси бўйича бошқа зарарларни тўлаш билан бирга улар шартномада белгиланган суғурта суммасидан ортиқ (бирок 20 фоиздан ортиқ эмас) бўлганда ҳам тўланади;

в) суғурталанувчининг мулкий аҳволи, хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланишининг ҳолати, шартлари ва хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларни ҳамда суғурта шартномасини тузиш билан боғлиқ равишда маълум бўлиб қолган бошқа махфий ахборотни ошкор қилмаслик, қонунчиликда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

#### **4.3. Суғурталанувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

а) суғурта ҳолатини текширишда қатнашиш;

б) суғурта ҳолатларини текшириш натижалари бўйича қарор юзасидан шикоят қилиш;

в) суғурталовчидан хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида бепул ахборот олиш;

г) хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш масалалари бўйича ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш.

#### **4.4. Суғурталанувчи қуйидагиларга мажбур:**

а) суғурта шартномаси амалда бўлган даврда суғурталовчига суғурта шартномасини тузишда, хабар қилинган ўзига маълум бўлган жиддий ўзгаришлар ва ҳолатлар тўғрисида, агар ушбу ўзгаришлар суғурта таваккалчилигининг ортишига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, суғурталовчига дарҳол хабар қилиш;

б) суғурталовчига хавфли ишлаб чиқариш объектида содир бўлган ҳар қандай авария тўғрисида, шунингдек бошқа шахслар томонидан суғурталанувчига ўзларининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга етказилган зарарни тўлаш тўғрисида даъво билдиришга олиб келиши мумкин бўлган авариянинг ҳар қандай оқибатлари тўғрисида, бошқа шахсларнинг зарарни тўлатиш тўғрисидаги барча эътирозлари ва даъволари ҳақида хабар қилиш, авариянинг ҳолати ва сабабларини тавсифловчи барча ҳужжатларни тақдим этиш;

в) тегишли суд қарори олинган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида суғурталовчига суд қарори билан белгиланган хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлганда етказилган зарарни тўлаш мажбурияти тўғрисида хабар қилиш;

г) авария содир бўлганда, бўлиши мумкин бўлган зарарларни камайтириш учун вужудга келган ҳолатларда оқилона ва қулай чоралар кўриш. Суғурталовчи бундай чораларни кўраётганда, агар улар суғурталовчига хабар қилинган бўлса, суғурталовчининг кўрсатмаларига амал қилиши керак;

д) суғурталовчининг олдиндан розилигини олмасдан бошқа шахслар томонидан билдирилган талабларни бажариш бўйича бирон-бир мажбуриятларни ўз зиммасига олмаслик.

4.5. Суғурта шартномасида томонларнинг келишувига кўра қонунчиликка мувофиқ томонларнинг бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари назарда тутилиши мумкин.

4.6. Суғурталовчи ва суғурталовчи томонидан Оферта қоидалари бузилган тақдирда улар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

## **V. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

5.1. Бошқа шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш масалалари бўйича суғурта тўлови олиш;

б) суғурта ҳодисасини текширишда қатнашиш;

в) суғурта ҳодисаларини текшириш натижалари бўйича қарор юзасидан шикоят қилиш;

г) суғурталовчидан хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида бепул ахборот олиш;

д) хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш масалалари бўйича ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш.

5.2. Бошқа шахслар қуйидагиларга мажбур:

а) махсус органлар томонидан берилган хавфли ишлаб чиқариш объектидаги авария оқибатида зарар кўрилганлиги ва унинг микдорини тасдиқловчи зарур ҳужжатларни тақдим этиш;

б) суғурталовчига унинг (суғурталовчининг) томонидан бошланган суғурта ҳодисасини мустақил экспертизадан ўтказишда кўмаклашиш.

5.3. Бошқа шахслар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва бошқа мажбуриятлар олиши ҳам мумкин.

## **6. Суғурта товони (суғурта пули)ни тўлаш**

6.1. Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария содир бўлган тақдирда суғурталовчи суғурталовчини авария содир бўлиши натижасида:

а) бошқа шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига;

б) бошқа шахсларнинг мол-мулкига ва атроф муҳитга зарар етказилганда, хавфли ишлаб чиқариш объектидаги авария содир бўлган вақтдан бошлаб 3 иш куни мобайнида бу тўғрида ёзма равишда хабардор қилади.

6.2. Суғурта қоплови (суғурта пули)ни тўлаш миқдори суғурталовчи томонидан авария сабабларини техник жиҳатдан текшириш далолатномаси, суд қарорлари ва суғурта ҳодисаси бошланишининг сабаблари ва ҳолатлари, шу жумладан бошқа шахсларга етказилган зарар миқдори кўрсатилган бошқа материаллар асосида белгиланади.

6.3. Суғурта товони (суғурта пули)ни тўлаш томонлар имзолаган ва суғурта ҳодисасини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тузилган суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома асосида амалга оширилади

6.4. Суғурта товони (суғурта пули)ни тўлаш суғурта шартномасида кўрсатилган белгиланган суғурта пули доирасида амалга оширилади.

Агар битта суғурта шартномаси бўйича уларга нисбатан турлича суғурта пули белгиланган бир неча хавфли ишлаб чиқариш объектлари суғурта қилинган бўлса, у ҳолда муайян суғурта ҳодисаси бўйича суғурта товони (суғурта пули)ни тўлаш авария содир бўлган хавфли ишлаб чиқариш объекти бўйича белгиланган суғурта пули доирасида амалга оширилади.

6.5. Суғурта шартномаси бўйича қуйидагилар қопланмайди:

а) маънавий зарар;

б) суғурталанувчи билан меҳнат муносабатларида бўлган шахсларга, улар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига биноан шартнома (контракт)га мувофиқ меҳнат мажбуриятларини бажараётганда етказилган зарар;

в) суғурталанувчи мулккий ҳуқуққа, хўжалик юритуви ҳуқуқига ёки тезкор бошқариш ҳуқуқига ёхуд бошқача қонуний асосда (ижара ҳуқуқида, сақлаш шартномаси бўйича, ишончнома бўйича, мулкни унга бериш тўғрисидаги тегишли органнинг фармойишига ва шу қабиларга кўра) унга тегишли бўлган мол-мулкка етказилган зарар;

г) суғурталанувчининг неустойка (жарима, пеня) тўлаш, унинг кафолатли ва шунга ўхшаш мажбуриятларни бажариши, шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги билан боғлиқ ҳолда кўрган зарарлари;

д) йўқотилган фойда.

6.6. Суғурта товони (суғурта пули) бевосита зарар кўрганга тўланади. Ушбу Офертанинг 4.2-банди «б» кичик бандида назарда тутилган харажатлар суғурталанувчига тўланади.

6.7. Суғурта товони (суғурта пули)ни тўлаш суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 10 иш куни мобайнида амалга оширилади.

6.8. Суд қарори юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилинган (рад этилган) тақдирда суғурталовчи суғурта товони (суғурта пули)ни тўлаш тўғрисидаги масалани ҳал этишни, агар дастлабки қарор бўйича ижобий ёки салбий хулоса чиқариш мумкин бўлмаса, суднинг узил-кесил қарори қабул қилинадиган вақтгача кечиктириши мумкин.

6.9. Етказилган зарар шунингдек бошқа шахслар томонидан қопланадиган ҳолларда суғурталовчи фақат суғурта шартномаси бўйича тўланиши керак бўлган суғурта товони (суғурта пули) ва бошқа шахслар томонидан қопланадиган пул ўртасидаги тафовутни тўлайди. Суғурталанувчи суғурталовчини зарарни жабрланганга қоплаш учун бошқа шахслар томонидан амалга оширилган — ўзига маълум бўлган тўловлар тўғрисида хабардор қилиши шарт.

6.10. Суғурталанувчи суд қарорини ижро этиш асосида унга нисбатан суғурта шартномаси тузилган хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланиш натижасида етказилган зарарни қоплаган тақдирда суғурталовчи суғурталанувчига суғурта товони (суғурта пули)ни тўлашни у амалга оширган зарар товони доирасида, лекин суғурта

шартномаси бўйича белгиланган суғурта суммасидан кўп бўлмаган миқдорда амалга оширади.

6.11. Суғурталовчининг суғурта товони (суғурта пули)ни тўлашни рад этиш ҳуқуқи қонунчилик ва шартнома билан белгиланади.

6.12. Суғурталовчининг зарарни тўлаш (суброгация) юзасидан талаб қилиш ҳуқуқининг суғурта товони (суғурта пули)ни тўлаган суғурталовчига ўтиши қонунчилик ва шартнома билан тартибга солинади.

6.13. Суғурта қилдирувчи, Суғурта ҳодисаси юз берганда Суғурталовчига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- Суғурта ҳодисаси тўғрисида хабарнома;
- Суғурта полиси;
- Суғурта ҳодисасини тасдиқловчи мутасадди ташкилотларнинг ҳужжатлари;
- Суғурта ҳодисаси натижасида зарарланган Мол-мулкнинг фотосуратлари;
- Суғурта қилдирувчи ўзига маълум бўлган Суғурта ҳодисасига оид бошқа маълумотлар.

6.14. Суғурталовчи тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғрилигини текшириши ва зарур ҳолатларда, бошқа керакли ҳужжатларни талаб қилиши мумкин.

6.15. Суғурта қилдирувчи Суғурта ҳодисаси содир бўлганда зарарланган мол-мулкни таъмирлаш, сотиш, металлломга топшириш ёки бировга бериш, ёқиб юбориш, йўқ қилиш ва бошқа ишларни Суғурталовчи билан келишган ҳолда (ёзма равишда) амалга оширади.

6.16. Суғурта товони ҳақиқий етказилган зарар миқдоридан, агар Суғурта шартномасида Франшиза қўлланилган бўлса, ушбу Франшиза миқдори ҳисобга олиниб, лекин шартномада белгиланган Суғурта пулидаги миқдоридан ошмаган ҳолда белгиланади.

6.17. Суғурта товони далолатномага қўл қўйилган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида тўлаб берилади.

6.18. Суғурта товони мазкур Суғурта шартномасига асосан ҳисоб рақамга пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

6.19. Суғурта ҳодисаси рўй берганда яна амал қилинаётган Суғурта шартномаси мавжуд бўлса ёки зарар етказган шахсдан Суғурта қилдирувчи фойдасига моддий зарар ундирилган бўлса, тўланган ёки қопланган зарарни чегириб ташлаган ҳолда Суғурта товони тўлаб берилади.

## **7. Шахсга доир маълумотларни қайта ишлаш шартлари**

7.1. Суғурта қилдирувчи Е-полисни расмийлаштириш тўғрисидаги электрон аризага маълумотларни киритиши билан Е-полисни амалга ошириш учун ўзининг шахсига доир маълумотларни қайта ишлашга (йиғиш, ёзиш, тизимлаш, сақлаш, фойдаланиш ва бекор қилиш) розилик берган деб ҳисобланади.

7.2 Шахсга доир маълумотларни қайта ишлаш Суғурталовчи томонидан суғурта шартномаси бўйича мажбуриятларини амалга ошириш мақсадида “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги 2019 йил 2 июлдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

## **8. Яқунловчи қондалар**

8.1. Ушбу офертанинг талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

8.2. Ушбу офертада назарда тутилган ёки у билан боғлиқ масалалар бўйича тарафлар ўртасида келишмовчиликлар юзага келганда, тарафлар келишмовчиликни судгача ҳал этиш чораларини кўриши лозим.

8.3. Низони судгача ҳал этиш имкони бўлмаса, улар суғурталовчи жойлашган ердаги тегишли судда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига асосан ҳал этилади.

8.4. Суғурта шартномасини ўзгартириш, бекор қилиш ва муддатидан олдин тўхтатиш тартиби, суғурта бўйича эътирозларни кўриб чиқиш тартиби, суғурта шартномаси бўйича кўрилган зарар миқдорини аниқлаш ва суғурта товонини тўлаш тартиби билан боғлиқ масалалар Низомга мувофиқ белгиланади ва амалга оширилади.